УДК 82.0

ЛИРИК ТАСВИР ВА ИФОДАДА МЕТОНИМИК КЎЧИМ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

З.У. Бердиева

Мақолада шеъриятда энг кўп қўлланадиган бадиий кўчим турларидан бири – метонимиянинг шеъриятдаги ўрни ва кўринишлари, эстетик функциядорлиги уч ўзига хос услубига эга бўлган ижодкор: Рауф Парфи, Асқар Маҳкам, Нодира Афоқованинг турли ижтимоий муҳитда яратилган шеърияти мисолида ўрганилган. Шунингдек, лирик тасвир ва ифодада метонимиянинг қоришиқ шаклларда қўлланиши, метафора, синекдоха билан синкретик ҳолда келиши ва унинг ўзига хосликлари баён қилинган.

Калит сўзлар: *метонимия, метафорик тафаккур, маъно кўчиши, истиора, киноя, шеърий нутқ, мажоз, синекдоха, кўпмаънолилик.*

В статье рассматривается один из самых распространенных видов художественного тропа в поэзии - место и появление метонимии в поэзии Рауфа Парфи, Аскара Махкама, Нодиры Афоковой, созданные в разные исторические периоды и разной социальной среде. Описаны также использование метонимии в смешанных формах в лирической образности и экспрессии, ее синкретичность с метафорой, синекдохой. Приведенные идеи подкреплены конкретными примерами.

Ключевые слова: *метонимия, метафорическое мышление, семантика, метафора, аллегория, поэтическая речь, синекдоха, двусмысленность.*

Ҳар қандай сўзнинг луғавий маъноси бирор белги, ҳаракат, хусусиятнинг бошқа худди шундай хусусиятга эга бўлган объектга кўчирилиши натижасида кенгайиб боради ва ривожланади. Маъно кўчишининг бундай ривожланишини белгилаб берадиган ҳар бир тилнинг ўзидаги семантик қонуниятлар бевосита бадиий ижод билан боғлиқ.

Метонимия (юнонча metonymia – “қайта номлаш”) йўли билан маъно кўчишида бир белги, ҳаракатнинг номи бошқа бир ўхшашлик асосида эмас, ўзаро алоқадорлик, боғлиқликка асосланади.

Метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошликдан ташқари, маъно кўчишининг қоришиқ ҳолда қўлланиши ҳам кузатилади. Бу ҳодиса метонимияга ҳам тегишли: метафора-метонимия, метонимия-синекдоха тарзида учрайдиган кўчимлар оғзаки нутқда ҳам, бадиий адабиётда ҳам кўп учрайди. “Адабиётшунослик луғати”ида қайд этилганидек, “бадиий адабиётда, айниқса, метафорик тафаккур етакчилик қилаётган замонавий адабиётда метонимия метафорага нисбатан кам учрайди, зеро, эстетик функциядорлиги жиҳатидан у метафорадан қуйироқ туради. Шундай бўлса-да, бадиий матнда метафора билан ёндош қўлланган ҳолда у катта бадиий самара беради, фикрни лўнда ва таъсирли ифодалашга хизмат қилади” [1. Б. 172].

“Адабиётшунослик терминлари луғати”да метонимия “икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган кўчма ифода” [2. Б. 98], дейилган бўлса, бошқа бир адабиётшунослик луғатида унга қуйидагича таъриф берилган: “икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган ўхшашсиз кўчим. Метонимияда бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқасига кўчирилади, у бошқа ном билан ифодаланади, бироқ бу номлаш предмет ёки нарсалар ўрта

сидаги ўхшашликка эмас, балки улар ўртасидаги яқинликка, алоқадорликка асосланади. Мана шу жиҳати билан метонимия истиорадан фарқ қилади" [3. Б. 364]. Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, метонимия ҳақидаги тушунчаларни умумлаштирсак, қуйидаги тўхтамга келамиз. Демак, метонимия – маъно кўчиши, яъни мажознинг бир тури бўлиб, у икки нарса, воқеа-ҳодиса ўртасидаги алоқадорликка асосланади, бироқ улар ўртасида шакл, мазмун жиҳатидан ўхшашлик, яқинлик умуман кузатилмайди. Масалан, кўк (осмон, кўкат, ранг, пул бирлиги (доллар)) .

Метонимия йўли билан кўчиришнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1) бир предметнинг номи шу предметдаги бошқа бир предметга кўчирилади:

Истамбулни тинглайман кўзларим юмилган
Олдиндан майин бир шабада эсар
Аста-аста силкинар
Япроқлар дарахтларда
Узоқларда жуда узоқларда
Мешкобчиларнинг тинмаган шиқилдоқлари
Истамбулнинг тинглайман кўзларим юмилган [4. Б. 152].

Турк шоири Ўрхун Вели шеъридан келтирилган мазкур парчада ўтган асрдаги Истамбул шаҳридаги ҳаёт тарзи, шаҳарда яшайдиган кишиларнинг турмуш шароити, уларнинг ўй-фикрлари, ташвишу изтиробларини ифодаланган. Муаллиф қисқаликка интилиб, шаҳар сўзини тушириб қолдиради, яъни ўқувчига маълум бўлган ортиқча сўз-маълумотни туширади. Одатда, бундай усул оғзаки нутққа хос. Жумладан, *Тошкент шаҳрига бордим* гапи *Тошкентга бордим* тарзида ишлатилади ва бу нутқимиз учун одатдаги меъёр саналади. Чунки бундай усул нутқни ихчам, фикрни сиқиқ ва таъсирли қилади. Шеърнинг биринчи сатрида метафора (Истамбулни тинглайман) ва метонимия (Истамбулни тинглайман) қўлланган. Биринчисида *шаҳар* сўзи тушириб қолдирилган бўлса-да, у контекстда англашиб туради, иккинчисида эса *тинглamoқ* аслида ўзидан товуш, акс-садо чиқарувчи нарса ёки кишиларга хос хусусият "шаҳар"га кўчирилган.

Дунёга тоқ келган каби
Отиламан ***Ҳинд тоғи учига.***
Кириб кетар калламнинг ичига
Кимсасиз дунёнинг соҳиби [4. Б. 10].

Бандда *тоғ* ва *тоқ* сўзларининг шаклий ўхшашлигидан сўз ўйини сифатида фойдаланилган, *тоғнинг учи* – метафора, бунда параллел равишда *чўққи* сўзи бармоққа тенглаштирилиб, литота санъати ҳосил қилинган. *Калламнинг ичи* дейилганда шоир инсон бошини эмас, унинг бир қисми бўлган мияни назарда тутмоқда ва бутунни бўлак орқали ифодалаб, синекдоха намунасини яратмоқда. "Кириб кетиш" ҳаракати, одатда, жонли нарсаларга нисбатан қўлланса-да, нутқда *оёғига тикан кирди, жон кирди, ақли жойига кирди, эси кирди* каби эмоционал-экспрессив буёқдорликка эга кўчма маъноли бирикма тарзида ҳам ишлатилади.

Хоҳ шоир бўлсин, хоҳ носир бўлсин, ҳеч ким метонимиядан ҳам, перифразадан ҳам бош тортмаган ва бундай адабий приём (усул)лар орасида жуда қадимдан маълум бўлганлари то ҳозиргача ҳам учраб туради, улар Август даври (XVII аср охири – XVIII аср ўрталари)даёқ шоирларга оддий ва сийқа туюлган. Улар билан бир қаторда эса яна янгилари ҳам юзага келади ва улар келажакда даврimизнинг адабий ғалатиликлари ҳақидаги асарларнинг саҳифаларини безаши шубҳасиз, деб ёзади Ян Парандовский [5. Б. 148]. Унинг фикрига кўра, метонимия, перифраза, худди истиора каби ижтимоий тузум, ҳукмрон мафкура қандай бўлишига қарамай, барча асрлар поэзиясига хос, метонимия инсон фикрлай бошлаган даврлардаёқ туғилган.

Метонимия киноя сифатида талқин қилинар экан [1. Б. 159], бу унинг ибтидоий халқлар маданиятида етук тамаддунлардагига қара-

ганда ҳам кўпроқ тарқалганлигини кўрсатади. Чунки истиоралар, киноя, қочиримлар панасида тилга олиш лозим бўлмаган сўзлар яширинган бўлиб, улар ифодалаган тушунчалар эса парда остига олинган ва таниб бўлмас даражада ниқобланган. Одамлар ёввойи ҳайвонларнинг, табиатдаги даҳшатли ҳодисаларнинг, касалликлар ва ўлимнинг номини тилга олишдан сақланишган. Баъзи бир қабилаларда шунга ўхшаш урф-одатлар то ҳозирга қадар сақланиб қолган, жумладан, қабила бошлиғига тааллуқли бўлган барча нарсаларни очиқ-ойдин айтиш мумкин эмас ва шама, ишоралардаги топқирлик, ижодкорлик гоҳо браунингча (*физикадаги Браун қонунига, яъни моддаларнинг тартибсиз ҳаракати назарда тутилган – З.Б.*) чигаллик даражасигача етиб боради [1. Б. 149].

Мажоз шеърий нутқни бойитади, шоирнинг тасвир объектига муносабатини ифодалашга имкон беради. Ўхшатиш, сифатлаш, метафора (истиора), жонлантириш ҳам мажоз турларига кирса, метонимия, муболаға, синекдоха, перифраз, киноя, антифраз, сарказм кабилар қоришиқ мажозлар деб юритилади.

Жазба тунларида ойнинг шуъласин
Йўл билган хаёлман.
Бошқа ҳеч кимман.
Бир қудратли ***овоз қиличи***
Сасим чиқармас.
Бўғзимга кўмилдим*. Жимман.*
Ғарлик, чақув, фаҳшу туҳматни беор
Олқишлаб гулларга кўмганда шаҳар;
Тилларини чайнаб дўстларим ночор,
Тийнатим косамга қуйганда заҳар;
Покиза жонларни балчиққа булғаб,
Байроқ кўтарганда иблис лашкари;
Томошагоҳ бўлиб бўзлаётган қалб,
Ўгрилиб турганда дўстлар тескари,
Кетдим [6. Б. 18].

Шеър адолатсизлик, зулм, ҳақсизликдан бағри қон бўлган, дўсту биродарларидан оқибат кўрмаган, ўзидан бошқа ҳеч ким суямаслигини тушуниб етган ва тан берган, шу мусибатга кўниккан, курашда енгилган ва чекинишга мажбур бўлган, ичи нафратга тўла, дўстларидан ёрдам кутганида улар юз буриб кетган инсон ҳақида. Унда бўғизга кўмилган овознинг қотили қудратли кучнинг зулм-истибдоди кўрсатилган. Фаҳш, чақув, туҳматни олқишлаётган беор шаҳар қиёфаси акс этган. *Шаҳар* сўзи орқали синекдоха юзага чиққан, шаҳар эмас, унда яшаётган қўрқоқ, оқибатсиз сохта дўстлар душманга хизмат қилади. Ҳатто ўша душманга қўшилиб, унга заҳар тутади, фақат бу оғу қаҳрамоннинг тийнатига қуйилади. Бу ерда заҳар ҳам рамзий маънода қўлланган. Заҳар – жаҳолат, сотқинлик, қўрқоқлик, манфаатпарастлик. Тилларини чайнаётган дўстлар – инсон қачон тилини чайнайди? Ё оғриқнинг зўридан, ё қўрқувнинг кучлилигидан. Кўриниб турибдики, сохта дўстлар иккинчи тоифага мансуб. *Иблис лашкари* – индивидуал метафора, бу дўстларнинг яна бир кўриниши, улар байроқ кўтариб олишган, байроқ эса ғалаба белгиси. Байроқ кўтариш учун куч-қудрат бўлиши керак, иблис тўдаси шаҳарда байроқ кўтариб юрган экан, демак, у куч-қудратга тўлган ва ўз атрофида деярли бутун шаҳар халқини бирлаштирган қавм. Шеърда илгари сурилган бадиий ғоя, муаллиф айтмоқчи бўлган фикр, лирик қаҳрамоннинг қалбини ўртаётган дардни очиб беришда метафора, метонимия, синекдоха ва бошқа кўчимлар жонли картина ҳосил қилган, воқеликни худди кинотасвирдек китобхон кўз олдида намоён қилган.

Осмон жойидами?
Қани ёмғирлар?
Қаерга яширди чақмоқларини?
Қасос мавсумида *қаровсиз гуллар...*
Қумурсқалар тешган япроқларини.
Бу ***гулларнинг хуни*** *кимнинг бўйнида?*
Айтинг, ***“Аналҳақ”дан тонганлар,*** *айтинг!*
Элчини уч пулга сотган шўрида,
Шоирни бичганлар, отганлар*, айтинг!*
Тун, кўзимга ташла пардаларингни.
Бу сўқир имдодинг қандоқ ярашгай!
Шу қадар заифман...
қўрқаман, ахир,
Қаровсиз гулларга қарашга... [7. Б. 24]

Лирик қаҳрамоннинг *осмон жойидами, чақмоқлар қани*? деган сўрови бежиз эмас. Зулм шу даражага етганки, осмон ўз ўрнидан жилган. “Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор” деган халқ мақоли шеърда бошқа бир шаклда акслanган. Одатда биров тазйиқ, зулмни ҳаддан оширса, мазлум шу мақолни айтишга мажбур бўлади. Чақмоқ – қасоснинг рамзи, лекин у ҳам йўқолган. Негаки, атрофда қўрқоқлар қолган, холос. Шунинг учун гуллар қаровсиз, уларнинг баргларини қумурсқалар тешган. Шеърда қўлланган гуллар, қумурсқалар мажозий образ бўлиб, улар жамиятдаги айрим тоифадаги кишиларнинг умумлаштирилган образидир. “Аналҳақ”дан тонганлар – ҳақни танимаган ва тан олмаган мутаассиб жоҳил, маърифатсиз кишилар. Тарихда Мансури Ҳаллождек зотнинг кимлигини англамай туриб, турли бўҳтон ва айблар билан ваҳшиёна қатл қилинганини эслатган шоир, воқеликни метафорик усулда таққослайди. Метафора бир сўз, бир образ, бир сатр, бир шеър, ва ҳатто бир асарга тенг бўлиши мумкин. Бу шеърда метафора асарни тўлиғича қамраб олган. Элчи – пайғамбарнинг уч пулга сотилиши бу Исо пайғамбар тақдирига ишора. Исо пайғамбарни ўз ёнидаги ҳаворийлардан бири ўттиз уч тангага сотади. Бу ҳақда Л.Андреевнинг 1908 йилда ёзилган “Иуда Искариот” асарида ҳам ҳикоя қилинган бўлиб, мазкур қиссани Н.Афоқова маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган [7].

Шоирни бичганлар, отганлар – Машраб, Қодирий, Чўлпонларга қасд қилган шафқатсиз, жаллод, залолатга ғарқ одамлар. Лирик қаҳрамон мана шундай одамлар орасида яшашни истамайди, улар билан бир ҳаводан нафас ололмайди. Шунинг учун “*Тун, кўзимга ташла пардаларингни”, деб ёлворади.* Туннинг пардаси зулмат ва унда ҳеч нарса кўринмайди. Лирик қаҳрамон ҳам иблис лашкарини кўришни истамайди. Тун пардалари – метафора, пардани кўзга ташламоқ – ташхис, мажоз, синекдоха. У нафақат кўрмасликни, балки умуман эшитмаслик, сезмасликни хоҳлайди.

Асқар Маҳкам ижодида ижтимоий мотивлар ва кўнгилнинг ҳоли ғаройиб бир тарзда уйғунлашган, шоир қайси давр, қайси воқеа, қайси бир инсоний дардли кечинмани шеърга айлантирмасин, ёзганларида метафориклик бутун шеърни қамраб олади. Асқар Маҳкам шеърларида метафора шунчалар қуюқ ва кенгки, асарни ундан ажратиб олишнинг имкони йўқ. “Бухорода бир кун бўлганим” шеърида ҳам кеча ва бугуннинг энг оғир жароҳатлари тасвирланган. Шоир одамларга эмас, Бухоронинг фалакка очилган қўли – миноралarга кўпроқ савол беради, у Бухорони Бухородан ахтаради. Аммо топа олмайди, чунки у севган, у соғинган, ардоқлаган зотлар энди бу муқаддас заминда йўқ. Бунинг сабабини шоир шундай ифодалайди.

Мен одамларни сўрадим Бухорои Шарифдан.
“Яшашяпти!..”– деди Бухорои Шариф.
Улар яшашяпти
мадрасада итни
хонақода кучукни
мачитда сувратларни
ва ўзларини боқиб.
Албатта яхши яшашяпти!
Мен одамларни сўрадим Бухорои Шарифдан.
“Яшашяпти!..”– деди Бухорои Шариф.
“Я-ша-шяп-ти!..”– деди ногаҳон [8].

Метонимиянинг ўзига хос кўриниши орқали юзага чиқаётган воқелик халқнинг жаҳолатга юз тутганлиги, ўзининг муқаддас қадамжолари, илм даргоҳлари, ибодатхоналарини оёқости қилаётганлигини кўриб, индамай яшаётганидан зорланади. Мана шу зорланиш, ғусса, изтироб шоирнинг феноменини яққол кўрсатади. Шоир ўзи айтмоқчи бўлган фикрни метонимия воситасида кутилмаган бир усулда очиб беради. Миллатни йўқотиб юбориш учун уни қириб ташлаш шарт эмаслиги, уни она тили, дини, эътиқоди, тарихини унутишга мажбур қилиш билан маънавий мажруҳ кишилар тўдаси – оломонга айлантириш мумкинлиги ва бундай катта қуллар тўдасини бошқариш

осонлигини бошимиздан ўтган кечаги кунимиз исботлаб турибди.

Р.Парфининг “Дилоромнинг кўзлари” уч сонетдан иборат муҳаббатномаси ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан нафақат шоир ижодида, адабиётимиз тарихида ҳам ноёб асарлардан биридир.

1.*Маъюс эди сенинг кўзларинг ғоят,*
Гўё ***йўлсиз ўрмон*** *барларин тўкиб,* ***Қора ёлқинликда*** *шивирлар оят,* ***Кўзларингни тинглаяпман*** *энтикиб* [9;298].

“йўлсиз ўрмон”, “қора ёлқин” гўзал ва латофатли аёлнинг кўзларидаги қалбидаги маъюсликни ифодалайди. Худди барглар қовжираб тўкилгани сингари аёлнинг нигоҳлари ҳам дардчил ва қаҳрамон уни энтикиб тинглаётганда. Шоир шеърият билан рангтасвирни синтезлаштиради ва бу ҳол китобхон кўз ўнгида намоён бўлади.

Айрича кўрингай ҳар касга дунё,
Борлиқнинг савдоли ишларин ўйлар.
Пирпираб ёнарди юлдузлар, гўё
Руҳнинг мангулигин ёндирар улар... [9. Б. 298].

Дарҳақиқат, дунёни ҳар ким ўз назари, ўзи нигоҳи билан кўради, ўз қаричи билан ўлчайди ва ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Лирик қаҳрамон наздида кўкда пирпираб турган юлдузлар ўз истаганини кўргач, мангу руҳий изтироб – ишқ савдоси ҳақида маҳзун ўйга толдиради.

Занжирми Шарқ қизининг қўлларинда,
Бир куч топилмасми, кишан синмасми,
Туркистон, Туркистон энди кулмасми?
Маломат, тутқунлик мангу ўлмасми?
Бир совуқ мозорларми йўлларинда,
Эркинликнинг порлоқ нури инмасми?! [9. Б. 299].

Фикр мавзуси тўсатдан ўзгаради, қўллари кишанланган Шарқ қизи ва унинг кулмаслиги озодлик ва эрк билан боғлиқ. Ўз эркидан айрилган тутқун хурсанд бўлмаслиги табиий. Шарқ қизи истибдод исканжасида қолган ватан – Туркистоннинг тимсоли. Ўрмон, йўлсизлик, занжир, кишан, Шарқ қизи, Туркистон, маломат шўро даври қатағонига учраб, олис совуқ жойларга – Сибирга сургун қилинган миллатсеварлар қисматини ёдга солади.

2. Йўлсиз ўрмон оғочлари шовуллар,
Қўҳна жароҳатга туз сепар ўрмон.
Тепамда юрғун ой – ғариба увлар
Гизли хаёл инграр, холос, беармон. [9. Б. 299].

“Йўлсиз ўрмон” – мустақилликка менгзалмоқда, “оғочлари” – миллат, мазлумлар, “Кўҳна жароҳат” –Туркистоннин қадимги, тарихий шарафи, буюк давлатчилиги. “Юрғун ой” – аччиқ хотиралар, аввалги ёруғ кунлар хаёли, “ғариба увлар” – миллатнинг ноласи, осмон қадар оҳу доди, ғариблик – ватандан айро тушиши ёки ватанда ватансизлик, “гизли хаёл” – хотиралар оловли ва аламнок, у азоблайди, минг бир дардан баттарроқ эзади.

Кўзларинг қаҳрида синиқ бир нола,
Балким, қафас ичра уйғонган наво.
Балким, тошлиқларда қон ютган лола,
Йўқ, ҳавоси сўриб олинган ҳаво [9. Б. 299].

“Кўз қаҳри” – мустабидларга тавқи лаънат, ғазаб нигоҳи.“Қаҳрида синиқ бир нола” – кучли ғам, алам, чорасизлик, нажот излаш они, изтироби. “Қафас ичра уйғонган наво” – зулм салтанати ичида ҳам эрк ва озодлик ғояларининг пайдо бўлиши, жадидлар, миллий зиёлилар, эркпарварлар, ичида исён руҳи бўлган санъат асарлари. “Тошлиқларда қон ютган лола” – шарқ қизлари, ҳуқуқи, номуси топталган, хорланганлар. “Ҳавоси сўриб олинган ҳаво” собиқ шўро давлати – зулмат, истибдод ўчоғи.

Йўқ, сен эй, адашган кемани чорла,
Ойнинг оқ сочларин севиб тарагил,
Кошки сувда чўкма. Чўкмасман. Сен бор...
Кошки ўтда куйсам. Куймасман сен бор.
Сен борсан. Сен борсан. Офтобим, порла,
Кўзларингда ёниб битай, севгилим [9. Б. 299].

“Сув” – мавжуд ҳаёт, дунё, кема – инсон, шоир – кема чўкмайди, чунки “Сен” – Туркистон – она Ватан борлиги учун шоир ўтда ҳам “куймайди” – у Самандар ошиқ, вафоли, садоқатли. “Сен”нинг шоир “порлаши”ни эркин, озод бўлишини истайди, қўмсайди, аччиқ соғинади, “сен” – унинг ёри, ягона севгилиси.

3. Нечун яна, кўзим кулмайсан, нечун,
Нечун сен ёзмайсан инжа қанотим?
Яна тортмакдами ўшал мудҳиш тун,
Уфқда ўчдими, эй қуёш, отинг? [9. Б. 299].

Она Ватаннинг узоқ асоратда экани, миллатнинг аянч ҳолидан, унинг кулмаслиги, маъюслигидан, эркин қанот ёзолмаслигидан, эрки ўзида эмаслигидан, қуёшдек порлаб, нур сочолмаётганидан шоир ниҳоятда эзилади.

Очгил кўзларингни. Нашҳа соч. Борлиқ
Оқ эрклик ичрадир, ҳар нарса оқ. Оқ.
Севгилим, бу сенинг кўзингга боғлиқ –
Шодлик. Нур тошқини. Бир чаман. Бир боғ [9. Б. 299].

Нашҳа – гўзал, силлиқ шоир, миллат ва Она Туркистонга “очгил кўзларингни”, борлиққа гўзаллик соч – озод обод, бўл, демоқда. Чунки ХХ асрда энг кўп миллат, мамлакатлар мустақилликка эришмоқда – “оқ эрклик”, лекин бул “оқ эрклик” ўзи келмайди. У “Сен”нинг – Она Туркистоннинг кўзларига – фидойи ўғлонларига боғлиқ.

Булар бари сўзлар-ку, ахир, сўзлар,
Қайларга йиқилар бу кун беомон.
Кўзинг осмонидан учган юлдузлар?
Кўзингнинг қаҳрида юкинар, излар.
Ёруғ соҳилларни асрайди-да жон,
Мангулик осмони – бу теран кўзлар [9. Б. 299].

Уч сонетда ёр кўзлари билан миллат, она Ватан кўзларининг нури, қаҳри, орзу, армон, маъюсликлари, шодликлари бирлашган. Севгили ҳам Дилором, ҳам она Ватан. Кўринадики, шоир бир деталь воситасида бутун бошли тарихий даврнинг фожиасини кўрсатиб беришга эриша олган. Р.Парфи ҳар бир бадиий кўчимни шундай тақдим этадики, китобхон ўша ҳолатни ўз руҳиятида ҳис қилади, ўша кайфиятни яшаб беришга тайёр бўлади. Будай индивидуал, хусусий бадиий кўчимлар, айниқса, метафора ва метонимиянинг нотакрор шакллари шоир ижодида кўплаб ўринларда қўлланади, кўпқатламли асар ҳар доим нотугал бўлади, ижодкор айнан битта нарсани тасвирлаган бўлса ҳам, ўқувчи ўзиннг тафаккур даражаси, ижодий имконияти, дунёқарашидан келиб чиқиб, уни турлича талқин қилади ва тушунади. Турли хил хулосаларга олиб келадиган бундай асарлар китобхонларнинг барча қатламлари томонидан севиб ўқилиши табиийдир.

Асқар Маҳкамнинг “Шоир Равшан Файз хотирасига” деб номланган шеърида метонимия давр фожиаларини, ижтимоий ҳаётдаги иллатларни, совет тузуми юритган мафкуранинг аянчли асоратларини кўрсатишга хизмат қилган: *“Ҳақ деган шоирлар кетолмас яшаб ё ўлар, ё қолар эгнида жанда... Сени бир* ***темирнинг тагига*** *ташлаб* ***Тошкент айш сурарди ресторанларда****.... ёки Қўқонда йигитлар отилганида Тошкентда ашула айтган ...ваччамиз, ва яна: Сен тонгга интилдинг жасадинг билан “шоирлар” Дўрмонда ароқ қусганда...* [8. Б. 457]. Шоир атоқли отларни кўчма маънода шахс оти ўрнида қўллайди, натижада метонимия орқали шеърнинг таъсирчанлиги ортган, лирик “мен”нинг кайфиятидаги кескин норозилик, жамиятдаги адолатсизликка бўлган нафрати шеърда ўзининг тўлиқ тасдиғини топган, бунда шоир “мен”и лирик “мен” билан бирлашган.

Хато бари
Барчаси хато...
Ҳамма ялар тотли руёни
Ҳатто баъзан бир муштумзўр шоҳ
Алдаб қўяр бутун дунёни....
Алдаш русум гарчи қизларни
ит сурувни алдаб ҳайдайди
Бир тепакал эса бизларни
етмиш йилдан буён алдайди [8. Б. 464].

Асқар Маҳкам мазкур сатрларда собиқ шўро тузумининг илк йўлбошчиси даҳрий ва шафқатсиз Ленин ва унинг халқлар устидан олиб борилган мустабид сиёсатини фош қилган. Халқни ёлғон ваъдалар ўзига оғдириб олган ва шу йўл билан 73 йил дунёга таҳдид солган собиқ шўролар давлатининг мақсади халқларни руслаштириш, улардан текин ишчи кучи сифатида фойдаланиш, мустақил фикрни чеклаш орқали саноқсиз қуллар империясини барпо қилиш бўлган. Инсон эркига дахл қилинган ҳар қандай жамиятнинг таназзулга юз тутиши муқаррарлигини эса вақтнинг ўзи исботлади ва, ниҳоят, юртимиз истиқлолга эришди.

Адабиётлар:

1. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 400 б.
2. *Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С.* Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 298 б.
3. *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 364 б.
4. Ҳозирги замон турк шеърияти / Тилак Жўра таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б.
5. *Парандовский Я.* Сўз кимёси. – Москва: Правда, 1990. – 148 с.
6. *Афоқова Н.* Бизнинг эра. – Тошкент: Ijod press, 2010. – 72 б.
7. *Афоқова Н.* Қора наво. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 44 б.
8. *Андреев Л.* Иуда Искариот. / Нодира Афоқова таржимаси. – Тошкент: Ойдин, 2021. – 112 б.
9. *Асқар М.* Ҳақ. Сайланма. – Душанбе: Адиб, 1998. – 222 б.
10. *Парфи Р.* Сайланма. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 298 б.

METONYMIC MIGRATION IN LYRICAL IMAGERY AND EXPRESSION AND ITS MANIFESTATIONS

Z.U. Berdieva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 93-100.

[1]Termez branch of the Tashkent Medical Academy, Termiz, 132000, str., Islom Karimov 64 (Usbekistan). E-mail: info@ttatf.uz

Keywords: *metonymy, metaphorical thinking, semantics, metaphor, allegory, poetic speech, metaphor, synecdoche, ambiguity.*

In this article, one of the types of artistic movement - the role and appearance of metonymy in poetry, its aesthetic function is studied on the example of the poetry of R. Parfi, A. Mahkam, N. Afokova.

The lexical meaning of any word expands and develops as a result of the transfer of a character, action, feature to another object with the same similarity. The semantic laws within each language that determine such a development of meaning migration are directly related to artistic creation.

A sign of the transfer of meaning through metonymy (Greek metonymia - "renaming"), the name of the action is based on interdependence, not on the basis of another similarity.

In addition to metaphor, metonymy, synecdoche, and function, there is also a mixed use of meaning transfer. This phenomenon also applies to metonymy: migraines that occur in the form of metaphor-metonymy, metonymy-synecdoche are common in both oral speech and fiction. In the "Dictionary of Literary Criticism", published under the general editorship of D. Kuronov, "meionimia is less common in fiction, especially in modern literature, which is dominated by metaphorical thinking, because in terms of aesthetic function it is inferior to metaphor. However, when used in combination with a metaphor in a literary text, it has a great artistic effect and serves to express the idea in a concise and effective way. ”

The Dictionary of Literary Terms states that metonymy is a "portable expression based on the closeness of two concepts." Hotamov, B. Sarimsakov's Russian-Uzbek Glossary of Literary Terms describes it as follows: “A unique migration based on the closeness between two

concepts. In metonymy, the name of an object or event is transferred to another, which is represented by another name, but this naming is based not on the similarity between objects or things, but on the closeness, the connection between them. In that sense, metonymy is different from metaphor". The Dictionary of Literary Studies, published under the general editorship of Professor D. Kuronov, also mentions the use of famous horses in the sense of a related horse in works of art as a type of synecdoche.

Rauf Parfi writes in his poem “Abdurauf Fitrat”:

Riyadh is like a whip,
The heavy rain ruined my body ...
Who doesn't love Great Turkestan ?!
The Pharaohs don't like me.

Only obedience can save a person from ignorance. A broken, ruined tanizar, a huge rain, the words of riyazat are the key to the poem. Pharaoh is the original name of the ruler of ancient Egypt, and worship of him was a tradition in his time. The Qoran also contains information about Pharaoh's Baqara and A'raf. In particular, Pharaoh pursues Moses and his followers. Then he opened twelve paths from the sea, and Moses' army passed safely, and then when Pharaoh's army, which was pursuing them, entered the middle of the sea, it was narrated that Allah had sent the water and Pharaoh drowned and died with his army. When the poet said pharaohs, he meant this category of ignorant, uneducated, cruel, arrogant people.

References:

1. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheralieva,M. (2013) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of Literary Studies]. Tashkent: Akademnashr.
2. Homidiy, H., Abdullaeva, Sh., Ibrohimova, S.(1970) *Adabiyotshunoslik terminlari lug‘ati* [Dictionary of Literary Terms]. Tashkent: O‘qituvchi.
3. Hotamov, N., Sarimsoqov, B. (1970) *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati* [Russian-Uzbek Annotated Dictionary of Literary Terms]. Tashkent: O‘qituvchi.
4. *Hozirgi zamon turk she’riyati* (1980) [Modern Turkish poetry]. Translation of Tilak Jora. Tashkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.
5. Parandovskiy, Ya. (1990) *So‘z kimyosi* [Word Chemistry]. Moscow: Pravda.
6. Afoqova, N. (2010) *Bizning era* [Our era].Tashkent: Ijod press.
7. Afoqova, N. *Qora navo* [Black melody]. Tashkent: Akademnashr.
8. Andreev, L. (2021) *Iuda Iskariot* [Judas Iscariot]. Translated by Nodira Afokova. Tashkent: Oydin.
9. Asqar, M. (1998) *Haq.* Saylanma [Right. Selection]. Dushanbe: Adib.
10. Parfi, R.(2013) *Saylanma* [Selection]. Tashkent: Akademnashr.

Муаллиф ҳақида маълумот:
БЕРДИЕВА Зебо Ураловна – Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, Тиллар кафедраси ўқитувчиси. E-mail: zebo berdiyeva30@gmail.com.